

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ГАДАЕВ НОДИРЖОН НОСИРЖОНОВИЧ**

**ИНТЕРПОЛИМЕР КОМПЛЕКСИ АСОСИДА ҒЎЗАНИ ЭГАТЛАБ  
СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Тошкент вилояти мисолида)**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in technical sciences**

**Гадаев Нодиржон Носиржонович**

Интерполимер комплекси асосида ғўзани эгатлаб суғориш  
технологиясини такомиллаштириш (*Тошкент вилояти мисолида*)..... 3

**Гадаев Нодиржон Носиржонович**

Усовершенствование технологии бороздкового полива хлопчатника  
на основе интерполимерного комплекса (*На примере Ташкентской  
области*)..... 17

**Gadaev Nodirjon Nosirjonovich**

Improvement of the furrow irrigation technology of cotton based on the  
interpolymer complex (*In case Tashkent region*)..... 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 35

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ГАДАЕВ НОДИРЖОН НОСИРЖОНОВИЧ**

**ИНТЕРПОЛИМЕР КОМПЛЕКСИ АСОСИДА ҒЎЗАНИ ЭГАТЛАБ  
СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Тошкент вилояти мисолида)**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.4.PhD/Т2028 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмеджонов Дилмурод Гуломович  
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Икрамов Рахимжон Каримович  
техника фанлари доктори, профессор

Исаев Собиржон Хусанбаевич  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори,  
профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 й. « 02 » 4 ЮН соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz))

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (172 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 20 21 16 ЮН кун тарқатилди.  
(2021 йил « 16 » 4 ЮН рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

М.Х. Хамидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусинин долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинлари ва ғўзани суғориш учун суғоришнинг сувтежамкор технологиялари ҳамда техник воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 119,3 миллион тонна пахта ҳосили етиштирилишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ғўзани суғоришда сув сарфи ва исрофини камайтириш имконини берадиган суғориш технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан ғўзани суғоришда сувтежамкор томчилатиб, ёмғирлатиб, тупроқ остидан суғориш усуллари ва дискрет суғориш технологиялардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларни суғоришда суғориш сувларини тежаш ва улардан самарали фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, суғориш сувидан унумли фойдаланиш, эгатлаб суғориш техникаси ва технологияларни такомиллаштириш, эгатлаб суғоришнинг замонавий усулларини жорий қилиш, ғўзани эгатлаб суғоришда инфилтрация ва филтрация жараёнларини камайтириш, тупроқ намлигини кўпроқ ушлаб туришни таъминлайдиган усулларини ишлаб чиқиш ҳамда суғориш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сув танқислигини олдини олиш бўйича суғориш сувидан самарали фойдаланиш, суғориш сувини исрофини камайтириб берадиган сув тежовчи суғориш техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора – тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларини, энг аввало сув ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ғўзани суғоришда турли хилдаги суғориш техника ва технологияларни қўллаш кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси» тўғрисидаги фармонлари, 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ- 4919 - сон «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

<sup>1</sup> <https://sourcingjournal.com/market-data/cotton-data/world-cotton-124059/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Биология, биотехнология, тупроқшунослик, сув муаммолари, генетика масалалари, ўсимлик ва ҳайвонлар селекцияси» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини эгатлаб суғориш усуллари, техника ва технологияларни ўрганиш бўйича республикада А.Н.Костяков, Н.Т.Лактаев, Н.Р.Хамраев, М.Г.Хорст, Ф.М.Рахимбаев, М.Х.Ҳамидов, Б.Ф.Қамбаров, Р.К.Икрамов, А.Т.Салоҳиддинов, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, О.Рамазонов, Ф.А.Бараев, В.А.Духовный, М.П.Мешчеряков, К.Штудер, И.Ж.Худаев, С.М.Кривовяз, Р.М.Авербух, А.П.Аверьянов, К.Мирзажонов, Г.В.Олидренко, П.М.Жоошев каби таниқли олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган ҳамда ижобий натижаларга эришилган.

Эгатлаб суғоришда сув иқтисодига эришиш учун интерполимер комплекслар асосида сувтежамкор технологияларига оид кўплаб тадқиқотлар хорижда ҳамда бошқа хорижий давлатларида бажарилган. Полимерлар иштирокида ушбу муаммолар ечимини ишлаб чиқишда Ғ.И.Мухамедов, А.Т.Салоҳиддинов, Г.А.Безбородов, Р.Холбоев, Ғ.Ахмеджонов, Д.Ахмеджонов, Б.Қамбаров, Қ.Комилов, С.Инагамов, Л.О.Екебаев, Д.Е.Гбеифун, Ғ.Е.Окиеимен каби таниқли олимлар ва бошқалар тадқиқот олиб боришган.

Бугунги кунда юқоридаги олимлар томонидан олиб борилган изланишлар асосида маълум натижаларга эришилган, бироқ Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида интерполимер комплекси орқали ҳосил қилинган экранли эгатларда ғўзани дискрет суғориш технологиясининг самарадорлиги бўйича илмий – тадқиқот ишлари етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № КХА-7-033-2015 «Интерполимер комплекс ишлатилиб ҳосил қилинган экранлар ёрдамида ғўза суғорилишида минерал ўғитларнинг самарасиз сарфини камайтириш» (2015–2017) ва №1 «Замонавий сув тежамкор технологияларининг илмий асослари» (2017–2019) мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг типик бўз, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлар шароитида ғўзани эгатлаб суғоришда интерполимер комплекс асосида ҳосил қилинадиган экран ҳамда дискрет суғориш технологиясини қўллаш орқали суғориш сувини тежаш, минерал ўғитларнинг самарасиз сарфини камайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатларда ғўзани дискрет суғориш технологиясини жорий қилиш натижасида суғориш сувининг самарадорлигини аниқлаш;

ғўзани эгатлаб суғоришда интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранлар ёрдамида қўлланган минерал ўғитларнинг самарасиз сарфини камайтириш методикасини ишлаб чиқиш;

интерполимер комплекслар асосида яратилган экранли эгатларда унинг узунлиги бўйича тупроқ намланиши динамикасини аниқлаш;

дала тадқиқотлари натижаларини яратилган математик модель асосидаги дастурий таъминот натижалари билан таққослаш, таклиф қилинаётган дискрет суғориш технологиясини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон шароитида типик бўз, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлар, интерполимер комплекс ҳамда ғўзани эгатлаб суғоришда интерполимер комплекс асосида ҳосил қилинган экранли эгатларда дискрет суғориш технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатларда ғўзани дискрет суғориш технологияси тупроқнинг сув-физик хоссалари, ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сув истеъмоли ҳамда минерал ўғитларнинг самарадорлигини ошириш қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида умум қабул қилинган услублар асосида олиб борилди: тадқиқотларда кузатув, ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАЙТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмаларидаги усуллар, дала тажриба майдонининг репрезентативлигини аниқлашда В.В.Шабанов ва Е.П.Рудаченко услубидан ҳамда «Ўза суғорилишида интерполимер комплексларни қўллаш асосида суғоришдан олдинги ва кейинги тупроқ намлигинининг ўзгаришини аниқлаш» дастурий воситаси таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суғориш жараёнида қўлланиладиган тупроқ фаол қатламидаги минерал ўғитларнинг самарадорлигини ошириш усули интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатлар ва тупроқ ости экранларни биргаликда қўллаш орқали такомиллаштирилган;

дискрет суғориш технологияси асосида интерполимер комплекслардан ҳосил қилинган тупроқ усти ҳамда тупроқ ости экранларни бирга қўллаш орқали тупроқ фаол қатламида ғўзанинг илдиз тизимида тупроққа керакли намлик миқдорини сақлаб қолиш усули такомиллаштирилган;

дискрет суғориш технологиясида интерполимер комплекслардан ҳосил қилинган экранли эгатларга суғориш сувини импульслар серияси билан бериш асосида эгатнинг бутун узунлиги бўйича тупроқни намланиш эпюрасининг ўзгариш динамикаси асосида аниқланган;

интерполимер комплекслар асосида суғориш эгатлари ва тупроқ остида экранлар ҳосил қилиб дискрет суғориш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатлардан дискрет суғориш технологиясида суғорилган ғўзанинг ҳосилдорлиги 4,3 ц/га га ошиши ва сув ресурслари 22-29 % гача тежалиши аниқланган;

интерполимер комплекслардан ҳосил қилинган экранли эгатлардан ғўзани дискрет суғориш технологиясида суғориш натижасида тупроққа киритилган минерал ўғитларнинг самарадорлиги 38,3 % ошиши аниқланган;

интерполимер комплекслардан ҳосил қилинган экранли эгатлардан ғўзани дискрет суғориш технологиясида суғоришнинг оптимал эксплуатацион характеристикалари яратилган компьютер учун дастурий таъминот асосида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилигидала ва лаборатория тадқиқотлари умум қабул қилинган тадқиқот услубларида бажарилганлиги ҳамда амалий, назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларни ишлаб чиқилган дастурий воситалар орқали таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг типик бўз, механик таркибига кўра ўрта қумоқ тупроқлар шароитида интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатлар ва тупроқ ости экранларини биргаликда қўллаб, дискрет суғориш технологиясида ғўзани суғоришнинг эгат узунлиги бўйича тупроқнинг намланиш динамикасига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ҳамда тупроқ фаол қатламида қўлланилган минерал ўғитларнинг самарадорлигига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг типик бўз, механик таркибига ўрта қумоқ тупроқлар шароитида интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатлар ва тупроқ ости экранларини биргаликда қўллаб, дискрет суғориш технологиясида ғўзани суғориш ғўза ҳосилдорлигини 4,3 ц/га га, сув ресурслари 22-29 % га ва тупроққа киритилган минерал ўғитларнинг самарадорлиги 38,3 % ошиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интерполимер комплекси асосида ғўзани эгатлаб суғориш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиган натижалар асосида:

интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатлар ва тупроқ ости экранларни биргаликда қўллаш орқали тупроқ фаол қатламида қўлланилган минерал ўғитларнинг самарадорлигини ошириш усули Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани фермер хўжаликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 02/022-3510-сонли маълумотномаси). Натижада ҳар гектар суғориладиган майдондан 20-25 % сувни ва минерал ўғит (азот) ларни 30,2 - 34,6 % га тежалишига эришилиб, ғўза ҳосилдорлиги 4,8 -5,5 ц/га ошган;

интерполимер комплекслардан ҳосил қилинган экранли эгатларда ғўзани дискрет суғориш технологияси Тошкент вилояти Пискент тумани фермер хўжаликларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 02/022-3510 - сон маълумотномаси). Натижада, минерал



Ўғитларнинг самарадорлиги 31,4 % га ошишига, 940 м<sup>3</sup>/га сув ресурсларини тежалишига ва ғўзанинг ҳосилдорлигини 4,9-5,3 ц/га ошишига эришилган;

дискрет суғориш технологиясини ҳисобга олган ҳолда эгат узунлиги бўйича тупроқнинг намланиш чуқурлигининг ўзгариш динамикаси Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани фермер хўжаликларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 02/022-3510-сон маълумотномаси). Натижада минерал ўғитларнинг самарасиз сарфи 31-33 % га камайиб, текис намланиш коэффициенти 0,77 дан 0,82 гача ошган, 937 м<sup>3</sup>/га сув ресурслари тежалишига ва ғўза ҳосилдорлиги 4,3 ц/га ўсишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эгатлаб суғориш технологияси бўйича мавжуд тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи бўйича республика ҳамда жаҳонда сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, суғориш сувнинг ғўза ҳаётидаги ўрни, қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлардан бири ғўзани эгатлаб суғоришда суғоришнинг тежамкор технологиялари, ғўзани дискрет суғориш технология орқали суғориш, сув ресурсларини иқтисод қилиш, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши бўйича олимларининг илмий ишлари таҳлил қилинган.

Ўртачирчиқ туманинг мелиоратив хусусиятлар кўрсаткичлари ўртасидаги мутаносиблик белгилари бўйича Е.Н.Рудаченко ва В.В.Шабановлар таклиф этган услуб ёрдамида тажриба даласининг агрохимик, тупроқ - агрофизик кўрсаткичлари бўйича ҳослик эҳтимоли таҳлиллари келтирилган.

Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида ғўзани эгатлаб суғоришда сувни тежаш масаласи сув хўжалиги ва суғорма деҳқончилик соҳасидаги мутахассисларнинг барча кучларини суғоришнинг истикболли ҳамда етарли

даражада тасдиқланган усуллари, технологияларидан фойдаланишга сафарбар этишни тақозо этмоқда. Хусусан Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида сув ресурсларининг тобора ортиб бораётган танқислигини ҳисобга олиб, суғориш техникасини шу жумладан таклиф қилаётган интерполимер комплекси асосида фойдаланган ҳолда дискрет суғориш технологиялари такомиллаштириш зарурлиги ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида худуднинг шароитлари баён қилинган, унинг иқлимий, табиий, геология ва гидрологик ва тупроқ-мелиоратив тавсифлари келтирилган.

Дала тажрибалари 2017-2019 йиллари «Омад Келажак Барака» фермер хўжалиги экин майдонларида ўтказилди. Тажриба даласининг майдони 1,0 га ва назорат даласининг майдони эса 1,1 гектарга тенг бўлиб, Ангрен дарёси яқинида жойлашган. Ушбу далалар Ангрен дарёси ёнбағрида бўлганлиги сабабли сизот сувлари сатхи 3-5м гача пасайиши кузатилди.

Тадқиқотлар умум қабул қилинган услублар асосида олиб борилди: тадқиқотларда кузатув, ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИда қабул қилинган «Пахта майдонларида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий, микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари» ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмаларидан фойдаланилди. Дала тажриба майдонинг репрезентативлиги В.В.Шабанов ва Е.П.Рудаченко услубиётида аниқланди ҳамда «Ўза суғорилишида интерполимер комплексларни қўллаш асосида суғоришдан олдинги ва кейинги тупроқ намлигининг ўзгаришини аниқлаш» (DGU09575) фойдали модел дастурий воситасидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ўзани мавсумий суғориш даврида сув тежамкор технологияларни амалга ошириш бўйича тадқиқотлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида, интерполимер комплекс асосида экранли эгатларда дискрет суғориш технологиясини такомиллаштириш учун маълумки, тупроққа сувнинг сувсингиши вақти, сув оқимининг пасайиши, тупроқ намлигининг тарқалиши вақти ва бир хиллигини ўлчаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Интерполимер комплексдан фойдаланган ҳолда суғориш технологиясини жорий этишда, унинг оптимал элементларини ўрганишда ўзани суғоришнинг ушбу параметрлари ва кўрсаткичларини ҳисобга олинган.

Вагнер идишларида интерполимер комплекси асосидаги яратилган экран ёрдамида тупроқ усти ҳамда тупроқ ости қатламларидасувни ушлаб қолиш усуллари ўрганиш бўйича лаборатория тажрибалари ўтказилди.

Диссертациянинг «Ўзани эгатлаб суғориш технологиясини интерполимер комплекс асосида такомиллаштириш» номли бўлимида тадқиқотлар натижаларига асосланиб интерполимер комплекси асосида яратилган экранли эгатларда сувни кам сарфлашга олиб келадиган дискрет суғориш технологияси такомиллаштирилган.

Дала тадқиқотлари учун объект танланди – Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги «Омад Келажак Барака» номли фермер хўжалигининг ўрта қумоқ тупроқ, сизот сувлари чуқур жойлашган дала майдонларида суғорма сувни тежаш бўйича тажриба – синов ишлари олиб борилди.

Тадқиқот 4 такрорли суғориш услуби билан суғоришда иккитавариантда ўтказилди ва ушбу тадқиқотларда барча вариантлар учун қаторлар орасидаги масофа 0,6 м, эгат узунликлари 160 ҳамда 220 м сифатида танлаб олинди.

«А» ва «В» вариантларида ҳар бир экранли эгатларда дискрет суғориш технологиясини қўллаш орқали ўтказилди. Уларга назорат сифатида мос равишда «С» ва «D» вариантлар танланди. «А» ва «С» вариантларда эгат узунлиги 160 м, «В» ва «D» вариантларда эса 220 м узунликдаги дала майдонлари танланди. «А» ва «В» вариантларда эгатлар 4 та тенг қисмга бўлиниб, 1 ва 3 қисмларда интерполимер комплекс асосида яратилган экранли эгатлар ҳосил қилинди. «А» ва «С» вариантларда сув сарфи 0,4 – 0,2 л/с, «В» ва «D» вариантларда эса 0,6 – 0,4 л/с ни ташкил этди.

Дискрет суғориш технологияси экранли эгатларда қўллаш орқали шимилган сув сарфлари, суғоришнинг умумий вақти, турли усуллар бўйича (ҳар бир эгатда импульслар билан суғориш) эгатларгасарфланган суғориш сув сарфини аниқлашбўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган (1,2-расмлар).




1-расм. Тажиба ва назорат далаларида сувнинг сарфланиши



2-расм. Тажиба ва назорат далаларида сувнинг сарфланиши

Натижаларни таҳлил қилиб, назорат далаларида суғоришнинг умумий вақти тажриба участкаларига қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги тўғрисида дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин. Бундан ташқари кўриш мумкинки, “D” назорат вариантыда суғорма сув миқдори эгатнинг 180 метрига етганда тўхтайдди. Унга таққосланган “B” вариантыда эса худди шу сарф билан берилган суғорма сув эгат охирига етиб боради, натижада ердан фойдаланиш коэффициенти ортади ва ҳосилдорликни ўсишини кузатиш мумкин.

Тадқиқотлар давомида назорат ва тажриба далаларида синов суғоришлари ўтказилди ҳамда ўртача сув таъминоти қатлами ҳисоблаб чиқилди. Суғориш белгиланган тадқиқот методологияси бўйича олиб борилди (3-расм).



**3-расм. Вариантлар бўйича ўртача сув таъминоти қатламини суғориш вақти бўйича аниқлаш натижалари**

Шуни таъкидлаш керакки, вариантларда, сув таъминотининг ўрта қатламини ҳисоблашда эгатнинг қисмлари учун сув сарфининг ўртача кўрсаткичлари олинган (экранны эгатлар ҳамда экрансиз эгатлар билан). Юқоридаги 3-расм ҳам интерполимер комплекс асосида ҳосил қилинган экранли экранларда дискрет суғориш технологиясини қўлланилиши сезиларли сув иқтисодига олиб келишига мисол бўла олади.


Диссертациянинг «Ўзани суғориш тартибини замонавий дастурлар асосида таққослаш натижалари» номли бўлимида вилоятдаги тажриба даласига яқин бўлган Туябўғиз метеостанцияси бўйича координатлари аниқланиб ва метеорологик станциянинг дастур учун талаб қилинадиган маълумотлари олинди шу асосда маълумотлар ишлаб чиқилди.

Таққослаш натижалари кўра, суғоришлар сони FAO услуби қўлланилганда 2 тага кўплиги ва кичик миқдорда ( $577-611 \text{ м}^3/\text{га}$ ) сув бериш кераклиги аниқланди (1-жадвал). Ҳозирги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда FAO томонидан ишлаб чиқилган CropWat дастуридан фойдаланиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

## Натижаларни таққослаш жадавали

| №  | Кўрсаткичлар            | Шартли белгилар    | Назорат  | Тажриба | FAO услубиёти |
|----|-------------------------|--------------------|----------|---------|---------------|
| 1. | Суғоришлар сони         | та                 | 4        | 4       | 6             |
| 2. | Суғориш меъёри          | м <sup>3</sup> /га | 700-1000 | 600-800 | 577-611       |
| 3. | Мавсумий суғориш меъёри | м <sup>3</sup> /га | 3300     | 2600    | 3600          |

Тажриба дала маълумотларини CropWat дастурига киритиш орқали, тажриба йўли билан олинган маълумотларга нисбатан суғориш меъёрлари 92 фоиз аниқликдаги натижалар олинди (4-расм).



4 - расм. FAO услуби бўйича ғўзани суғориш тартиби кўрсаткичлари


Диссертациянинг «Интерполимер комплекси асосида ҳосил қилинган экран орқали тупроқда минерал ўғитларни ювилиб кетмаслик техникасини ишлаб чиқиш» номли бўлимида минералўғитларни етказибберишусуллари бир озмураккаб, кўп миқдордаги минерал ўғитларнинг самарасиз сарфига олиб келувчи анъанавий услубларга асосланган. Ғўзани суғориш даврида бериладиган минерал ўғитларнинг катта қисми суғорма сув босими остида сизот сувларга кўшилиб кетиши тажрибада кўрилган.

Минерал ўғитларни самарасиз сарфини камайтириш бўйича таклиф қилинган усуллардан бири Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган КХА-7-033-2015 – сонли «Интерполимер комплекс ишлатилиб ҳосил қилинган экранлар ёрдамида ғўза суғорилишида тупроқ минерал ўғитларни самарасиз сарфини камайтириш» грант мавзуси асосида изланишлар олиб борилган.


Ушбу тадқиқотларнинг давоми сифатида юқоридаги грант асосида яна бир технология яратилди. Унга кўра, аввалги тадқиқотларда фақат интерполимер комплекслари асосида яратилган экранли эгатларда фойдаланилган бўлса бизнинг тадқиқотларда интерполимер комплекс

асосида яратилган экранли эгат ва тупроқ ости экранлари биргаликда ишлатилди.

Суғориш жараёнида суғорма сув минерал ўғитларни аста-секин парчалаб, тупроқнинг фаол қатламида анъанавий усулга нисбатан 35 – 38% кўпроқ сақлаб қолишга эришилади. Биз ўз тадқиқотларимизда бунга кўшимча тарзда интерполимер комплекс асосида ҳосил қилинган экранли эгатлар билан бирга тупроқ ости экрани ҳосил қилдик ва фаол қатламдаги минерал ўғитлар миқдорини оширишга ҳамда суғориш сувни тежашга эришдик (5,6-расмлар).



5-расм. Тажриба ва назорат далаларида азот миқдорини фарқи, %



6-расм. Тажриба ва назорат далаларида фосфор миқдорини фарқи, %

Шунингдек, «Тупроқшунослик ва агрохимё» илмий – тадқиқот институтида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, минерал ўғитлар (азот ва фосфор) самарасиз сарфини, мос равишда, 38,7 ва 38,5 фоизга камайтирилишига муваффақ бўлдик. Минерал ўғитларни билан гектарига  $N_{320}$ ,  $P_{224}$ ,  $K_{160}$  меъёрлари берилди. Йил натижаларига кўра ҳосилдорлик тажриба вариантыда назорат вариантыга нисбатан ўртача 5,3 центнерга ўсди ва гектарига 43,6 центнерни ташкил этди (2– жадвал).

**Пахта ҳосилдорлиги ва маҳсулот бирлигига сарфланган сув  
миқдори**

| Вариантлар | Тажриба номери | Суғориш меъёрлари, м <sup>3</sup> | Ҳосилдорик, ц/га | Сарфланган сув, м <sup>3</sup> /ц |
|------------|----------------|-----------------------------------|------------------|-----------------------------------|
| А          | Тажриба        | 2377                              | 43,6             | 54,5                              |
| С          | Назорат        | 3246,9                            | 38,3             | 84,7                              |

Диссертациянинг «Суғоришда таклиф этилган сув тежамкор технологиянинг иқтисодий самарадорлиги» мавзусидаги тўртинчи бобида, таклиф қилинаётган сувни тежаш чоралари ёрдамида турли хил суғориш усулларининг иқтисодий самарадорлигини асослаш вазифаси барча сув ва кишлоқ хўжалиги харажатларини якуний маҳсулот, масалан, пахта хомашёси ҳосили орқали бирлаштириш, кўриб чиқиладиган суғориш вариантлари учун кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашдан иборат. Иқтисодий баҳо ва натижада келтирилган тавсиялар интерполимер комплекси асосидаги экрандан фойдаланган ҳолда сувни тежайдиган суғориш техникасидан фойдаланиш самарасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўпламига асосланади.

Биринчи суғоришдан олдин интерполимер комплекси аралашмаси ғўза экиш пайтида суғоришдан олдин суғориш учун эгат сойи олиш билан бир қаторда тупроқ юзасига қўлланилди. Тупроқ ости экрани бириктирилган махсус агрегат билан шудгорлаш вақтида ҳосил қилинди. Хар иккала ҳолатда ҳам қўшимча меҳнат учун ҳақ тўланмайди.

Анъанавий суғориш майдонида эгатлар бўйлаб тупроқнинг чўкиши кузатилди, суғориш унумдорлиги паст, эгатнинг намлиги сифатсиз, сувнинг юқори сарфланиши қайд этилди, бу мелиорация харажатларига олиб келади.

Сувни тежайдиган суғориш техникасининг таклиф қилинган вариантлари сувни энг кам сарф қилишда пахта ҳосилини оширади.

Янги технологиядаги капитал қўйилмалар интерполимер комплекс мажмуаси, шланглар ва монтаж ишлари ёрдамида ер ости экранини яратиш учун махсус шудгорлаш қурилмасининг нархидан иборат.

Тажриба натижаларига кўра иқтисодий самарадорлик анъанавий усулларга кўра «А» вариантыда гектарига 1032 минг сўмни, «В» вариантыда ҳар гектарига 881 минг сўмни, минерал ўғитларни самарасиз сарфини камайтириш бўйича ўтказилган тадбирларда эса 1129 минг сўмни ташкил этди, бунда кейинги 3 йил давомида интерполимер комплекс асосидаги тупроқ ости экранига харажатларни олиб ташласак натижа янада яхшироқ бўлади.

### ХУЛОСАЛАР

«Интерполимер комплекси асосида ғўзани эгатлаб суғориш технологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Тошкент вилоятининг сизот сувлари чуқур жойлашган худудларида ғўзани эгатлаб суғориш даврида суғориш сувининг кўплаб қисми фильтрация ва инфильтрация жараёнида йўқотилиши кузатилади. Шунинг учун суғориш техника ва технологиясини такомиллаштириш, бунда интерполимер комплекс асосида яратилган экранли эгатлар ҳамда дискрет суғориш технологиясидан фойдаланиш сув иқтисодига олиб келиши имконияти яратилди.

2. 1 гектар ер майдони учун 16 кг карбоксиметицеллюлоза (КМЦ) + 16 кг мочевиноформальдегид смола + 0,8 л ортофосфор кислотаси 800 литр сувда 40 дақиқа аралаштириш натижасида ҳосил қилинди ҳамда полимерлар таркибида азот, углерод, кислород, водород ва икки типдаги молекулалардан иборат эканлигини аниқлаш имкониятини берди.

3. Ғўза экилган тажриба даласида вегетация бошида тупроқнинг 0-30 см, 30-50 см қатламларининг ҳажмий оғирлигини миқдори 1,04-1,08 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилган ҳамда вегетация охирига бориб экранли эгатларда суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 65-70-65% бўлганда, тупроқнинг 0-30 см, 30-50 см қатламларининг ҳажмий оғирлигини миқдори 1,06-1,09 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди ва ҳажмий оғирлиги 0,02г/см<sup>3</sup> га ортиш имконияти яратилди.

4. Эcranли эгатларда ғўза экилган тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлигивегетация бошида 6 соат давомида 711 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди. Назорат даласида эса бу кўрсаткич 6 соат давомида 861 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич назоратда тажриба вариантга нисбатан 150 м<sup>3</sup>/га ортиқ бўлди. Натижада, экранли эгатларда суғориш сувни иқтисод қилиш имкониятини яратди.

5. Интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли эгатлар бўйича ғўзани дискрет суғориш технологиясида тупроқнинг эгат узунлиги бўйича текис намланиш коэффиценти назоратга нисбатан 0,18 га ошиб, 0,82 га тенг бўлди ҳамда сув ресурсларини 22-29 % га тежаш ва ҳосилдорликни 4,3 ц/га га ошириш имконини берди.

6. Интерполимер комплекслар асосида ҳосил қилинган экранли (тупроқ ости ва усти) эгатлардан ғўзани дискрет суғориш технологиясида суғориш тупроқнинг фаол қатламида минерал ўғитларни анъанавий экрансиз эгатлардан суғоришга нисбатан 32,0-38,7% кўпроқ ушлаб қолиши натижасида ғўза ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 5,3 ц/га кўп бўлиш имконини берди.

7. Интерполимер комплекслар ёрдамида ҳосил қилинган экранли эгатлардан ғўзани дискрет суғориш технологиясида суғориш меъёрлари 592,1-610,1 м<sup>3</sup>/га ни ва мавсумий суғориш меъёри 2577 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди. Бу назоратга нисбатан 693,6 м<sup>3</sup>/га ва FAO нинг CropWat дастурида аниқланган меъёрга нисбатан 870 м<sup>3</sup>/га кам сув сарфланишига имконияти яратилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ГАДАЕВ НОДИРЖОН НОСИРЖОНОВИЧ**

**«УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БОРОЗДКОВОГО  
ПОЛИВА ХЛОПЧАТНИКА НА ОСНОВЕ ИНТЕРПОЛИМЕРНОГО  
КОМПЛЕКСА (На примере Ташкентской области)»**

**06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №В2020.4.PhD/T2028

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и информационно образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** Ахмеджонов Дилмурод Гуломович  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Икрамов Рахимжан Каримович  
доктор технических наук, профессор  
Исаев Собиржон Хусанбаевич  
доктор сельскохозяйственных наук,  
профессор

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный  
аграрный университет

Защита диссертации состоится «02» ИЮЛЯ 2021 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39.тел/факс: Тел.: (99871) 237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано №172) Адрес: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39.тел (99871) 237-19-45

Автореферат диссертации разослан 2 2021 года  
(реестр протокола рассылки № 2 2021 года).



**Т.З. Султанов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.А. Янгиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**М.Х. Хамидов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.с/х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Использование водосберегающих технологий и технических средств орошения для орошения сельскохозяйственных культур и хлопка является одним из ведущих в мире. «Учитывая мировое производство 119,3 млн. тонна хлопка»<sup>1</sup>, необходимо внедрение ирригационных технологий, которые позволят снизить потребление воды и количество отходов при орошении хлопка. В связи с этим важное значение при орошении хлопчатника имеет широкое использование водосберегающих технологий, как капельное, дождевальное, подпочвенное орошения и дискретное орошение.

Во всем мире проводятся исследования по разработке технологий экономии и эффективного использования поливной воды при орошении сельскохозяйственных культур. В связи с этим особое внимание уделяется эффективному использованию поливной воды, совершенствованию техники и технологий полива, внедрению современных методов полива, снижению инфильтрационных и фильтрационных процессов при орошении хлопчатника, разработке методов сохранения влаги в почве и обоснованию поливных режимов.

В целях предотвращения нехватки воды в республике принимаются комплексные меры по обеспечению эффективного использования оросительной воды, разрабатываются водосберегающие методы и технологии орошения, снижающие расход оросительной воды, и достигаются определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи по «... внедрению интенсивных методов сельскохозяйственного производства, в первую очередь современных агротехнологий, сберегающих водные ресурсы...»<sup>2</sup>. В реализации этих задач, включая внедрение современных водосберегающих и ресурсосберегающих агротехнологий, важную роль играет расширенное использование различных техник и технологий полива при орошении хлопчатника.

Данная диссертационная работа в определенной степени способствует реализации Указов Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-6024 «Концепция развития водного хозяйства на 2020 - 2030 годы» от 10 июля 2020 года и постановления № ПП-4919 «О мерах по ускорению внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве» от 11 декабря 2020 года, а также других нормативных актов, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики

---

<sup>1</sup> <https://sourcingjournal.com/market-data/cotton-data/world-cotton-124059/>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

V. «Биология, биотехнология, почвоведение, водные проблемы, генетика, растениеводство и животноводство».

**Степень изученности проблемы.** Методами исследований бороздкового полива, техникой и технологиями занимались видные ученые, как А.Н.Костяков, Н.Т.Лактаев, Н.Р.Хамраев, М.Г.Хорст, Ф.М.Рахимбаев, М.Х.Хамидов, Б.Ф.Қамбаров, Р.К.Икрамов, А.Т.Салохиддинов, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, О.Рамазонов, Ф.А.Бараев, В.А.Духовный, М.П.Мешчеряков, К.Штудер, И.Ж.Худаев, С.М.Кривовяз, Р.М.Авербух, А.П.Аверьянов, К.Мирзажонов, Г.В.Олидренко, П.М.Жоошев которыми были достигнуты определенные положительные результаты.

Исследования водосберегающих технологий на основе интерполимерных комплексов проводились в республике и во многих зарубежных странах. Для решения данной проблемы проводили исследования известные ученые, такие как Г.И. Мухамедов, Г.Ахмеджанов, Д.Ахмеджанов, Б.Камбаров, С.Инагамов, L.O.Ekebafе, D.E.Gbeifun, F.E.Okieimen и др.

